

## **“ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИНИ САҚЛАШ,**

*оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти” халқаро жамоат ташкилотининг Низоми*

*[Санкт-Петербургда “Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл”  
Иккинчи халқаро конгресси иштирокчилари томонидан 2018 йил 8 июнь куни қабул қилинди]*

### **1-модда. Бутунжаҳон жамият мақсадлари:**

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти (кейинг ўринларда – Жамият) халқаро нодавлат-нотижорат ўзини ўзи бошқарадиган жамоат ташкилоти бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларни бирлаштиради.

Жамият мақсадлари жаҳон маданий меросни асраш контекстида Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш соҳасида давлат ва жамоат ташкилотлари, тадқиқотчилар, экспертлар, илм-фан, медиа соҳа ва бошқа манфаатдор шахсларнинг халқаро ҳамкорлигига кўмак кўрсатишдир.

Жамият ўз фаолиятини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принциплари асосида амалга оширади.

### **2-модда. Жамият вазифалари:**

2. 1. Мутахассислар, нашрлар, илмий-техник инновациялар, технологиялар, фойдали ҳужжатлар халқаро илмий алмашинувига кўмаклашиш.
2. 2. Музей, архив ва кутубхона, хусусан, шахсий тўпламларни сақлаш ва ҳисобини юритиш тизимларини такомиллаштиришга; автоматлаштирилган илмий-справка аппарати, маълумотлар базаси, каталоглар тузиш; узокдан туриб телекоммуникация тармоқлари орқали илмий-справка аппарат, маълумотлар базаси, музей тўпламларидан фойдаланиш; музей тўпламларини илмий, маданий, таълим ва ижодий мақсадларда фойдаланишда кўмаклашиш.
2. 3. Оммага кўрсатиш, босма нашрлар, электрон ва бошқа ташувчиларда чоп этиш йўли билан музей, архив ва кутубхона тўпламларининг очиқлиги ва улардан фойдаланиш имкониятини яратишга кўмаклашиш.
2. 4. Ташкилотлар ва алоҳида олимларга ЮНЕСКО мезонларига мувофиқ тадқиқотлар ўтказиш, маълумот излаш ва унга ишлов бериш, ноширлик фаолияти, ҳамда консервация ва реставрация ишларини амалга ошириш учун халқаро грантларни олишда кўмаклашиш.
2. 5. Янги нотижорат маърифий ресурслар (матбуотда, интернет, телевидение ва радиода), шу жумладан ёш авлод ва манфаатдор жамоатчилик учун нашр этишда кўмаклашиш.
2. 6. Ноширлик ва медиа фаолиятини амалга ошириш.
2. 7. Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш масалаларида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.
2. 8. Репортаж, очерк, информацион сюжетлар, интервью, шунингдек Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар телерадиоканалларида медиа-контент намойиш этиш йўли билан ОАВ, шу жумладан Электрон оммавий ахборот воситаларида маданий-тарихий меросни оммалаштиришга кўмаклашиш.
2. 9. Ўзбекистон маданий меросининг қимматбаҳо ва кўламдор ёдгорликлар коллекциялари сақланаётган музей, илмий ва бошқа марказларда халқаро тадбирларни (кўргазмалар, тақдимотлар, конференциялар ва маданий форумлар) ташкиллаштиришда кўмаклашиш ва ўтказиш.
2. 10. “Ўзбекистон маданий мероси” илмий-оммабоп журналининг нашр этилишини амалга ошириш (шу жумладан, унинг электрон шакли).
2. 11. Жамиятнинг расмий сайтини яратиш ва уни таҳрир қилиш.

### **3-модда. Жамият аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

3. 1. Жамиятда аъзолик ихтиёрийдир.
3. 2. Жамият аъзолари (кейинги ўринларда – аъзолар) Жамиятнинг низом мақсадларига амал қиладиган ва мазкур Низом талабларини бажарадиган юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.
3. 3. Жамият аъзолигига қабул Жамият Бошқаруви ва Кенгаши томонидан шахсий аризага асосан Жамиятнинг икки аъзосидан тавсиялар бўлган тақдирда яқка тартибда Жамият Бошқаруви ва Кенгаши аъзоларининг унинг йиғилишида оддий кўпчилик очик овоз бериш йўли билан амалга оширилади.
3. 4. Жамият аъзолари тенг ҳуқуққа эга ва тенг мажбуриятларга эга.
3. 5. Жамият аъзоларининг ҳуқуқлари:
  3. 5. 1. Жамият томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш.
  3. 5. 2. Жамият фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича таклифлар киритиш.
  3. 5. 3. Жамиятнинг сайлов йўли билан тайинланадиган органларига номзод қўйиш, сайлаш ва тайинланиш.
  3. 5. 4. Жамиятнинг сайлов йўли билан тайинланадиган органлари ва Жамият раисига Жамият фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича тўғридан-тўғри мурожаат қилиш.
  3. 5. 5. Жамиятнинг информацион маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш.
  3. 5. 6. Жамиятнинг иш режалари доирасида илмий фаолиятни амалга ошириш учун халқаро грантлар олиш имкониятига эга бўлиш.
  3. 5. 7. Жамиятнинг музей, архив ва кутубхона коллекциялари ва Интернет ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш.
  3. 5. 8. Стандарт тақриз қилиш тартиб-таъмилидан ўтганидан кейин илмий ва оммабоп мақолаларни нашр этиш.
  3. 5. 9. Жамиятнинг низом вазифаларига мос келадиган ўз касбий фаолиятини амалга оширишга қўмаклашиш масаласи билан Жамиятга мурожаат қилиш.
  3. 5. 10. Жамият аъзолигидан истаган пайт чиқиб кетиш.
  3. 5. 11. Қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.
3. 6. Жамият аъзоларининг мажбуриятлари:
  3. 6. 1. Жамият фаолиятида иштирок этиш, унинг низом мақсадларига эришишида қўмаклашиш.
  3. 6. 2. Жамият Низоми ва Жамият бошқаруви органларининг қарорларига риоя қилиш.
  3. 6. 3. Амалдаги қонунчиликка асосан бошқа мажбуриятларни бажариш.

### **4-модда. Бошқариш органлари:**

4. 1. Жамиятнинг бошқариш органлари: Конгресс (умумий йиғилиш), Илмий Кенгаш ва Бошқарув.
4. 2. Жамиятни Бошқарув раиси бошқаради.
4. 3. Илмий Кенгаш, Бошқарув ва Раис ваколатларининг муддати 5 йилга тенг.

### **5-модда. Конгресс (умумий йиғилиш):**

5. 1. Жамият бошқарувининг олий органи Жамият Конгресси (умумий йиғилиш)дир.

5. 2. Конгресс ишида Жамият аъзолари иштирок этади.
5. 3. Конгресс Жамиятнинг йўналиши ва фаолиятининг умумий линиясини белгилайди.
5. 4. Конгресс Бошқарув аъзолари ва Илмий кенгаш аъзоларини сайлайди. Илмий Кенгашнинг тавсиясига кўра Конгресс Бошқарув Раиси ва Илмий Кенгаш Раисини сайлайди.
5. 5. Қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.
5. 6. Конгресс камида йилда бир марта чақирилади. У навбатдан ташқари сессияга ўз қарори, Илмий Кенгаш ёки Бошқарув қарори билан йиғилиши мумкин.
5. 7. Конгресс махсус ва техник комиссиялар ҳамда Жамият вазифаларини бажариш учун бошқа иккиламчи органларни муассис этади.

#### **6-модда. Жамиятнинг Илмий кенгаши:**

6. 1. Жамият Кенгаши Конгресс томонидан Жамият аъзолари илгари суриладиган аъзолар сирасидан тайинланади.
6. 2. Кенгаш Жамиятни ривожлантириш стратегиясини аниқлаш ва амалга оширишда маслаҳат-кенгаш берувчи орган ҳисобланади.
6. 3. Кенгаш аъзоларини сайлашда Конгресс унга санъат, адабиёт, фан, таълим ва билимларни тарқатиш соҳасидаги ваколатли шахсларни киритиши керак. Улар Кенгашнинг маъмурий ва ижро этувчи функцияларини бажариш учун зарур тажриба ва ваколатга эга бўлишлари керак. Конгресс маданиятларнинг хилма-хиллиги ва адолатли географик тақсимотни ҳисобга олган ҳолда бу масалага ёндашиши керак.
6. 4. Кенгаш аъзолари Конгресснинг улар сайланган сессияси тугаган пайтдан улар сайланган пайтдан Конгресснинг иккинчи навбатдаги сессия охиригача ўз вазифаларини бажарадилар.
6. 5. Кенгаш Жамиятни илмий ривожлантириш режаларини тайёрлайди, грант дастурлари ва лойиҳалари концепциясини ишлаб чиқади.
6. 6. Кенгаш жамият аъзолари томонидан тақдим этилган грант аризалари ва ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқади.
6. 7. Жамиятнинг жорий илмий фаолияти бўйича Жамият аъзолари ўртасида низолар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, низоли масалаларнинг моҳияти бўйича якуний қарор қабул қилади.
6. 8. Кенгаш ўз фаолияти тўғрисида Конгресс олдида ҳисобот беради.

#### **7-модда. Жамият Кенгаш бошқаруви:**

7. 1. Бошқарув Жамият ишини ташкил қилади, Жамият бошқаруви ишини назорат қилади, Жамиятни ривожлантириш бўйича лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади, нормал фаолият олиб бориши учун молиялаштириш манбаларини излайди.
7. 2. Бошқарув Жамият Илмий Кенгаши билан ўзаро муносабатда бўлади.
7. 3. Бошқарув миқдори жиҳатдан таркиби Жамият Конгресси томонидан белгиланади.
7. 4. Раис (Президент) унинг номзоди Жамият Кенгаш бошқаруви томонидан тақдим этилиши бўйича беш йил муддатга сайланади. Бошқарув раиси жамиятнинг бош расмий шахсидир, жамиятга тўлиқ раҳбарлик қилади ва ишончнома ҳуқуқисиз жамият номидан иш юритади ва унинг номидан ҳужжатларни имзолайди.

#### **8-модда. Дирекция:**

8. 1. Бошқарув жорий ташкилий фаолиятни амалга ошириш учун Дирекцияни ташкил қилади.
8. 2. Дирекция ижрочи директор ва зарурий деб топилган ходимлардан иборат.
8. 3. Дирекция Жамият Бошқаруви ва Илмий Кенгашининг барча қарорлари бажарилишини таъминлайди.
8. 4. Ижрочи директор жамият бошқаруви раиси томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.
8. 5. Дирекция ходимлари Бошқарув томонидан тасдиқланган ходимлар тўғрисидаги Низомга мувофиқ ижрочи директор томонидан тайинланади. Ходимлар кенгроқ географик асосда ишга олинади, лекин биринчи навбатда, виждонлилик, самарадорлик ва касбий малакага нисбатан энг юқори талаблар қўйилади.

#### **9-модда. Жамият рамзлари:**

9. 1. Жамият ўз рамзлари, тимсоли, муҳр, бланкларига эга.
9. 2. Жамият рамзларидан жамият Бошқарув органларининг тегишли ёзма розилигисиз учинчи шахслар томонидан фойдаланишига йўл қўйилмайди.

#### **10-модда. Низом ва унга ўзгартишларнинг кучга кириши:**

10. 1. Низомга ўзгартишлар Конгресс делегатларининг бир овоздан ёки кўпчилик овози билан, шунингдек, Бутунжаҳон Жамиятнинг Бошқаруви ва илмий кенгаши томонидан амалга оширилади.
10. 2. Низомга киритиладиган ўзгартишлар қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда давлат рўйхатидан ўтиши керак.